



# АКТУАЛЬНЫЕ ВЫЗОВЫ СОВРЕМЕННОЙ НАУКИ

СБОРНИК НАУЧНЫХ ТРУДОВ

Выпуск 9  
Часть 1

Переяслав-Хмельницкий  
2017

<b>Muzaffarova Hayitgul Nesibovna, Ahmadqulova Shaxnoza Ismatullayevna (Jizzax, O'zbekiston)</b> O'QUVCHILAR SAVODXONLIGINI OSHIRISHDA DIDAKTIK O'YIN VA MASHQLARNI TANLASH TEXNOLOGIYASI.....	95
<b>Мусабекова Гульнар Тажибаевна (Жетысай, Казахстан)</b> РОЛЬ САМОВОСПИТАНИЯ В РАЗВИТИИ ЛИЧНОСТИ.....	98
<b>Мустафакулова Дилдора Исматуллаевна, Тангилова Дилбар Эшбаевна (Жиззах, Ўзбекистон)</b> ЭШИТИШДА НУКСОНИ БЎЛГАН БОЛАЛАРГА ТАЪЛИМ МУАССАСАСИДА ЭКОЛОГИК ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ БЕРИШ ЙЎЛЛАРИ.....	103
<b>Наврзоз Дилшод Примкулович (Бухоро, Ўзбекистон)</b> МАТЕМАТИКА ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ЗАМОНАВИЙ МАТЕМАТИК ДАСТУРЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ.....	106
<b>Назарқосимов Қаршибой, Сағатова Шоҳсанам Фарруҳ қизи (Жиззах, Ўзбекистон)</b> ЁРДАМЧИ МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИ УЙ ВАЗИФАЛАРИНИ БАЖАРИШЛАРИДА ТАРБИЯЧИНИНГ ЎРНИ.....	108
<b>Norbekova Barno (Jizzax, O'zbekiston)</b> MAKTABGACHA YOSHDAGI BOLALARNI MAKTABGACHA TA'LIM MUASSASASIGA MOSLASHUVINI ORGANISH.....	111
<b>Нуриддинов Хуррам Нуриддинович, Қўқоров Журъат Жалилович, Ҳасанов Улуғбек Иброғимович (Бухоро, Ўзбекистон)</b> СУВ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДА МУТАҲАССИС – КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ЖАРАЁНИДА “УСТОЗ - ШОГИРД” ТИЗИМИНИНГ АҲАМИЯТИ.....	114
<b>Нуритдинова Феруза Мухитдиновна (Бухоро, Ўзбекистон)</b> КИМЁ ДАРСЛАРИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ЎҚИТИШДА ПРИНЦИПЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ.....	116
<b>Нурметов Мухтор Рустамович, Ибадуллаева Нигора Эгамберганиевна (Ургенч, Ўзбекистон)</b> ОСВОЕНИЕ БУДУЩИМИ УЧИТЕЛЯМИ ХУДОЖЕСТВЕННО-КОНСТРУКТОРСКИХ УМЕНИЙ.....	119
<b>Оришев Жамшид Баҳодирович (Жиззах, Ўзбекистон)</b> ТАЪЛИМ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ЛОЙИХАЛИ ТАЪЛИМДАН ФОЙДАЛАНИШ.....	123
<b>Oxunjonova Gulchehra Bahodirovna (Farg'ona, O'zbekiston)</b> XIS-TUYG'ULARNI TUSHUNISH SAMARALI NATIJAGA OLIV KELUVCHI OMILDIR.....	128
<b>Расулов Мурат Абдисамадович, Расулова Азиза Мирбахромовна, Ҳакимова Дилфруз (Тошкент, Ўзбекистон)</b> КОМПОЗИЦИЯНИНГ АМАЛИЙ САЊАТДА ТУТГАН ЎРНИ.....	131
<b>Саидова Нилуфар Рузимуратовна (Навои, Ўзбекистон)</b> СПОСОБЫ ИНДИВИДУАЛИЗАЦИИ ОБУЧЕНИЯ И ПРОБЛЕМА АДАПТАЦИИ СТУДЕНТОВ-ПЕРВОКУРСНИКОВ.....	134
<b>Samadova Rashida Usmonaliyevna (Farg'ona, O'zbekiston)</b> SOG'LOM AVLOD TARBIYASI BUYUK ALLOMALAR TALQINIDA.....	137
<b>Туйчиева Иноятхон, Джалолов Нозимжон, Солихонов Жасурбек (Фарғона, Ўзбекистон)</b> ЎҚУВЧИ ЁШЛАРНИ АҚЛИЙ, ИҚТИСОДИЙ, ЭКОЛОГИК ВА ИЛМИЙ ДУНЁҚАРАШНИ ШАКЛЛАНТИРИШ.....	141

Будущий учитель изобразительного искусства знают, на каком содержании, в какой форме, какими методами, приемами, способами и средствами формировать у школьников интерес и способность к художественное конструирование и проецируют свои художественно-конструкторские знания и художественно-конструкторские умения на будущую педагогическую деятельность.

#### СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННЫХ ИСТОЧНИКОВ:

1. Родари Дж. Грамматика фантазии. Введение в искусство придумывания историй: Пер. с итальянского. – М.: «Прогресс», 1988.
2. Радчук Л.И. Основы художественного конструирования: Учебное пособие для вузов. – М.: Легпромбытиздат, 1989.
3. Григорьев Э.П., Заец Р.В., Моляко В.А. Психологические аспекты художественного конструирования. – Киев, 1985.
4. Гладышев Г.М. Педагогические условия развития духовно-творческого потенциала будущего художника-педагога: Автореф. дис.. канд. пед. наук, Оренбург, 2000.
5. Рузиев Э.И. Графическая подготовка в системе непрерывного образования Республики Узбекистан. – Тошкент: Фан, 2003.

**Оришев Жамшид Баҳодирович**  
(Жиззах, Ўзбекистон)

#### ТАЪЛИМ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ЛОЙИХАЛИ ТАЪЛИМДАН ФЙДАЛАНИШ

*В процессе обучения применение современных педагогических технологий, в частности, методики проектирование учебных занятий важный фактор повышения качества и эффективности образования. В работе рассматриваются вопросы использования информационных технология при проектирование обучение.*

**Ключевые слова:** процесс образования, проект, модель проектирование, этапы проектирование, виды проектирование, технология образования, информационно-коммуникационная ресурс.

\*\*\*

*During training, the use of modern teaching technologies in the above privacy, a technique of designing training sessions an important factor in improving the quality and efficiency of education. This scientific thesis devoted to questions of using information technology in project of education.*

**Keywords:** education process, design, model design, design stages, types of design, technology education, informatively-communication resource.

Глобаллашув сари бораётган ҳозирги дунёда давлатнинг халқаро рақобат жараёни шартларига тез мослашуви унинг муваффақиятли ва барқарор ривожланишининг асосий омили ҳисобланади. Бунда юсак тараққий этган давлатларнинг асосий устунлиги - таълим тизимининг ҳолати билан

аниқланадиган, шахсни ривожлантириш имкониятлари мавжудлиги билан боғлиқ.

Шу сабабли Республикамизда жамият ва иқтисодиётни тубдан ислоҳ қилиш жараёнида таълим соҳасида жаҳонда муносиб ўринни эгаллашга қаратилган замонавий узлуксиз таълим тизимини яратиш ва ривожлантириш устувор вазифа сифатида белгиланди.

Таълим соҳасидаги миллий дастурлар доирасида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ва эришилган қатор ижобий ўзгаришларга қарамасдан, таълим сифат самарадорлиги ривожланиши динамикасини янада жадаллаштириш, бунда яратилган шарт-шароитлар ва имкониятлардан самарали фойдаланиш бугунги кунда энг долзарб масала ҳисобланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, таълим тизими учун малакали кадрлар тайёрлаш борасида республикамизда катта амалий ишлар қилинмоқда. Малакали кадрлар тайёрлашнинг муҳим омилларидан бири - бу таълим сифати ва самарадорлигини оширишдир. Таълим сифати ва самарадорлигини оширишда ўқитишнинг замонавий усуллари, шакл ва воситалари ҳамда интерфаол технологиялари, хусусан, лойихали таълимнинг ноъанавий методлари муҳим ўрин тутди. Шу сабабли ҳам таълим жараёнида юқори даражадаги самарадорликка эришиш - бу таълим жараёнини тўғри лойихалаштиришдир.

Маълумки, лойихалаш жараёни ёки лойихали услуб - бу кенг қамровли тушунчадир.

Лойиха тушунчаси эскиз ва режаларни англатиш учун дастлаб Рим архитектура мактабида XVI асрда пайдо бўлган. Аста – секин бу тушунча таълим олувчилар томонидан мустақил бажариладиган танлов топшириги сифатида педагогик маънода ҳам ишлатила бошланди. “Лойиха” сўзининг луғавий маъноси лотинчада “projectus” – “аслига мувофиқ”, “олдинга ташланган” деган маънони англатади.

Лойихали таълимнинг кўзга кўринган тадқиқотчилар қаторида қуйидагиларни таъкидлаб ўтиш мумкин: хорижий тадқиқотчилардан Дж. Дьюи, В.Х. Килпатрик, Коллингс Е, Полат Е.С., С.Т. Шацкий, М.В. Крупенина, А.С. Макаренко, П.Ф. Каптерев, П.П. Блонский, Д. Снезден кабилар ҳамда республикамиз олимларидан Р.Х. Джураев, Ж.Ф. Йўлдошев, Ч.Э. Мирзаев, М. Тожиев, Н. Муслимов, Б. Зиёмухаммедов, О.А. Қўйсинов, С. Бозорова, З. Собирова, Ф.З. Юсупова, И.С. Ортиқов каби тадқиқотчиларнинг илмий ишлари натижаларида лойиха услубини таълим жараёнига қўллаган ҳолда таълим самарадорлигига эришишга оид услубий фикрлар баён этилган.

Юқорида келтирилган ва шу каби тадқиқотчиларнинг ишланмаларини таҳлил қилганимизда таълим жараёни сифати ва самарадорлигини янада ошириш учун амалга оширишимиз керак бўлган қуйидаги ишларни қилиш керак эканлигини аниқладик:

- таълим жараёнида ривожланган давлатларнинг илғор услубларидан республикамиз таълим жараёнига тадбиқ этиш ва уни ривожлантириш зарурлиги;

- лойихали таълимни таълим жараёнига қўллаш ва у орқали таълимда самарадорликка эришиш босқичларини янада такомиллаштириш кераклиги;

- лойихали таълимда дидактик материалларни бойитиш;

- лойихалаштиришнинг илмий - методик асосларини яратиш ва уларни такомиллаштириш;

- таълимни лойихалаштиришда дастурий - дидактик материаллар тайёрлаш ва улардан ўқув жараёнида қўллаш имкониятларини яратиш;

- лойихалаштирилган таълимда педагогик технологиялар, методлар, усуллардан ўринли фойдаланиш ҳолати ва ҳакоза.

Юқоридаги тўхталган фикрлар, умумий ҳулосалардан келиб чиқиб, кўп йиллик тажрибаларимизга таянган ҳолда лойихалаштиришнинг такомиллашган усулларида, замонавий ахборот технологиялардан фойдаланиш таълим жараёнини самарадорлигини ошириш имкониятларини беради деган ҳулосага келдик. ва буни мазкур тадқиқот ишимизга асосий мақсад қилиб олдик.

Қўйилган мақсадни амалга ошириш учун аввало лойихали таълимни ташкиллаштириш ва уюштириш лозим бўлади.

Лойиҳали таълимни ташкил қилишда қуйидаги шартларини таъминлаш зарур:

- лойихали таълимни қўллаш имкониятларини аниқлаш;

- эгалланган билим, кўникма ва малакаларни қўллаш шароитларини режалаштириш;

- таълим оловчиларнинг индивидуал имкониятларига ўқув топширигининг мослигини ўрнатиш;

- меҳнатнинг хавфсиз шароитини таъминлаш;

- таълим муассасининг ва атроф-муҳитнинг таълим ресурсларини жалб қила олиш;

- ўқитиш жараёнида замонавий таълим технологиясининг асосий ташкил этувчилари (таълим берувчи, таълим оловчи, таълим шакллари, таълим мақсади, қутилаётган натижа, таълим методлари, таълим воситалари, таълим жараёнини назорат қилиш (мониторинг - олиб бориш ва баҳолаш)) ва улар орасидаги ўзаро боғланиш қонуниятларига доимо эътиборда бўлиш;

- таълим жараёнини лойихалаштиришда ўқув предметларига электрон воситаларни (аудио, видео, проектор, интерфаол доска, радио ва телевидение, компьютернинг глобал тармоғи ва шу кабилар) қўллаш асосида дарс жараёнига ахборот - коммуникацион технологияларини жорий этиш ва ҳакоза.

Объектлар, тизимлар, технологиялар, инсон фаолиятининг ҳоҳлаган доирасида эҳтиёжларни қондириш бўйича тайёрланган ишланмалар лойиҳанинг натижаси, самараси бўла олиши мумкин. Эҳтиёжлар моддий бўлиши билан бирга маънавий ҳам бўлиши мумкин.

Лойиҳани бажариш бу материални, мавзу юзасидан зарур ахборотни тўплашнинг эмас, балки эришилган билимларни амалда қўллаш ҳамдир. Масалан: экскурсия ташкил қилиш, стендлар, альбомлар чиқариш, имконият даражасида видео ёки фотосъёмкалар тайёрлаш, видеофильмни овозли қилиш, презентациялар тайёрлаш, инсонлар билан қизиқарли учрашувлар уюштириш, конференцияларга тайёрланиш, грант лойиҳаларини тайёрлаш, аниқ амалий иш қилиш ва ҳакоза..

Лойиҳали таълимни бошқариш технологияси бир қатор умумий босқичларни ўз ичига олади. Бу масала адабиётларда етарлича, тўлиқ ёритилган.

Лойихалашнинг асосий босқичларини қуйидаги кетма-кетликда келтирамиз:

- лойихани бажариш босқичлари;
- таълим олувчилар томонидан ечиладиган топшириқлар;
- таълим олувчиларнинг фаолияти;
- таълим берувчининг фаолияти;
- таълим шакли ва услуги;
- кутиладиган натижа.

Кейин эса лойихалаш босқичлари асосида лойихали таълим технологияси яратилади. Бунда лойихали фаолият объектини танлашда таълим берувчи амалий таълимнинг мазкур усулини амалга оширилишида зарур талабларни ҳисобга олиши керак. Бу талаблар орасида:

- таълим олувчининг фаолиятнинг ушбу турига тайёргарлиги;
- таълим олувчининг муаммога қизиқиши;
- таълим олувчилар томонидан лойихани бажариш учун зарур бўлган янги билимларни эгалланиши;
- лойиханинг йўналтирилганлиги ва аҳамияти;
- ижодий топшириқнинг қўйилиши;
- лойиханинг амалда рўёбга чиқарилиши ва шу кабилар мавжуд.

Таълимни лойихалаштиришнинг оптимал вариантлари қуйидаги омиллар бўйича солиштириш кўринишида белгиланиши керак:

- вақт меъёри;
- таълим жараёнини сифатининг кафолатланиши;
- таълим жараёни кўлами ва қамровининг меъёрий ҳужжатлар талабларига мослиги;
- таълим жараёнидаги манбаларнинг ўрганилганлик даражаси;
- таълимни лойихалаштириш учун ахборотлар тўплаш усули ва ундан фойдаланиш алгоритмининг ишлаб чиқилганлиги;
- ноаниқлик омили, у туфайли лойихалаштиришда юз берадиган хатоликлар ва уларни ўз вақтида тузата олишлик имкониятлари.

Лойихалар услубида қўлланиладиган энг муҳим педагогик усулларни жорий этишда аввало педагог таълим олувчиларнинг ихтиёрий ҳамда қизиқиб лойихали фаолият юритишларини таъминловчи “лойихани ишга туширишни” атрофлича ўйлаб кўриши зарур. Бу муаммоли вазиятнинг яратилиши ва таълим олувчи учун ҳаётий муҳим бўлган амалий вазифаларни муҳокама қилиниши, порлоқ келажак, ўзига чорловчи истиқбол тўғрисида ҳикоя, ижтимоий муҳим масалаларни ҳал этишда иштирок этиш таклифи билан обрўли шахсларнинг мурожаати ва бошқалар бўлиши мумкин.

Қачонки таълим олувчилар якка тартибда ва гуруҳ бўлиб муаммони ҳамда унинг ечимини излаганда, энг яхши вариантлар, ғояларни танлаб олишда, ўз нуқтаи назарларини ҳимоя қилишда, асослаб беришда лойиха устидаги ишни “ақлий ҳужумсиз” амалга ошириш мумкин эмас.

Лойихали таълимда ишнинг натижаларини намойиш қилиш шаклини танлаш унчалик муҳим эмас. Бу видеофильм, китоб, макет, журнал (оғзаки ёки ёзма), спектакль, ташвиқот бригадасининг чиқиши, хоналарни таълим муассасаси жиҳозлаш, спорт майдонини яратиш ва ҳақозолар бўлиши мумкин.